



Шоир бу дунёдаги барча йўллар орасидан машаккат ва изтироб йўлини танлайди. Чунки, у ўз калбига махкумдир. Унинг учун энг катта хакикат ҳам илох тухфаси бўлган калбдир. Шоир ўз юрагини, иймон, эътикод, энг пок туйгулар билан тўлдириб борсагина барча дунёвий халокатлар устидан рухан голиб чиқаверади.

Мухаммад Исмоилнинг шеърларини ўкиб, адабиётимизда бўй кўрсатаётган янги авлод нечоғли эзгу ва юксак амалларга хозирланаётганига, ёруғ умидлар билан тўлиб тошган бу калб шеърят ахлининг куюнчак кавмидан эканлигини хис килдим.

Мен Мухаммаднинг шеърларида калб бутунлигини, иймон эркинлигини, эътикод софлигини кўрасиз. Энг мухими, бу шеърлар ўзини ҳам, бировни ҳам алдамайди. Инсон тириклигининг маъноси ҳам, файзи ҳам кўнгил илхомидир. Зеро, дил аралашмаган хар кандай иш окибатсиз бўлади.

Илоё, эзгу умидлар билан кўлига калам олган ҳам бир шоирнинг юзи элу юрти олдида хамиша ёруғ бўлсин!

Шеърлар

Тангрим, бир юрак бер, оташ бер кайнок
Мехру мухаббатим билмасин поён.
Шу элни, шу юртни алкаб беадок,
Севиб яшай хар кун, хар он, хар қачон!

КУЁШИМ – ОНАМ!

Сиз томон кетяпман. Йўлдаман, она!
Йўлнинг хаёл каби йўқдай адоги.
Эслайсизми, доим сизга парвона,
Югуриб юрардим болалик чоғи.

Ковун экар эдик, кўклам далага
Холдан тояр эдим, кун кизиган дам.
Ўзимни панага олган паллада
Кетмон урардингиз менинг учун ҳам.

Сиз кучли эдингиз. Терингиз котиб,

Бери келмасдингиз корайса хам шом.
Яна тонг сахардан бизни уйготиб,
Этардингиз кора мехнатни давом.

Бу хол такрорланди гўё бир умр.
Гўё соянгизда колгандайман мен.
Сиз азоб чекдингиз, мен кўрдим хузур
Сизнинг рохатни хам олгандайман мен.

Ўқидим, уйландим. Шахарда колдим.
Йўлларимда тўлаб юрдингиз товон.
Сизга ташвиш бўлдим, ошу-нон олдим,
Юбора олмадим ўзим тўртта нон.

Гохо хотинимга урардингиз дўк,
Менга гап кайтариб адашганда хам.
Мени хак дердингиз, мендан кўнгил тўк,
Хатом учун ишдан хайдашганда хам.

Гохо хасталик, гох рўзгор деган гор
Холимни танг килиб, гамга соларди.
Малхам дори каби мунис, хокисор
Нафака пулингиз келиб коларди.

Сиз учун доим мен эрка, арзанда
Каро иш килсам хам, доимо окман.
Она, мен дунёда энг разил банда
Онанинг кимлигин билмас гумрохман?!

Дунё бир тарафу, ўзим бир тараф
Колганда умримдан йўколиб кувонч.
Менинг гамга ботган кўзимга караб
Бўлардингиз сўнгги умид ва ишонч.

Кексайган, бир бурда жуссангиз билан
Бошимда кудратли посбонсиз, посбон.
Не-не балони даф этиб устимдан,
Буюк кахрамонсиз, буюк кахрамон.

Сиз томон кетяпман, кетяпман, она
Эшитдим тобингиз кочибди бироз.
Доимгидай шошиб, чопиб, кувона
Чика олмаскансиз, йўлимга пешвоз.

Онажон, дардингиз олайн ўзим,
Жоним онам туринг, ётманг хастахол.

Жоним онам туринг, кувонсин кўзим,
Олам сахнасида юринг бемалол.

Туринг, кудратингиз кўрайин яна
Сизсиз жоним ярим, бутун хаёт йўк.
Дунёда энг кучли зот эрур она,
Дунёда онадан кудратли зот йўк.

Кетяпман, йўлдаман, шошманг онажон!
Ичимдан келади гулдирак овоз:
– Онам хаста эмас, онам сог-омон,
Хозир у каршимдан чикади пешвоз.

Йўк-йўк бўлмас хали киёмат койим,
Куёш сўниб кўкни копламас тўзон.
Ойу юлдузларни каби Худойим,
Сен онамни асра, асра Художон!

* * *

Орзу, бизга хаёт багишлар хар дам.
Умидсизликдадир барча иллатлар.
Умидсиз колса гар, нафакат одам,
Халок бўлар хатто буюк миллатлар!

* * *

Бизни такиб этар хаста яшамок.
Эркисизлик тўсади гох йўлимизни.
Аммо ижод ичра кўтариб байрок,
Биз энгиб борамиз ўлимимизни!

* * *

Нолангман мен, шаънингга шеър айтолмаган,
Болангман мен, юзингдан тер артолмаган,
Кўзим юмиб кўкрагингга кулок тутсам,
Худо бериб кетган буюк шеърсан, Сирдарё!

Захмат чексанг, захматларинг дурга айланар
Мехнат килсанг, бир дона дон юзга айланар
Кучогингга файз келтирган хар тонг, хар сахар
Фаришталар сажда килган ерсан, Сирдарё!

Хар болангнинг кўзларида кудрат чакнайди
Хур Ватаннинг шон-шавкатин жонда асрайди.
Хар бир боланг буюк бўлмок учун яшайди,

Арслонларга маскан, она-шерсан, Сирдарё!

Юлдузлардан чирок ёнар кошонасан – сен,
Ўзбекистон багридаги дурдонасан – сен,
Бахти кулган, саодати шохонасан – сен,
Худо ризкин бутун берган элсан – Сирдарё!

* * *

Сизни севиб колдим.
Минг бора узр.
Кечиринг, осилдим мен баланд дорга.
Кечиринг,
сиз мисли
фалакдаги хур,
Карар эдингизми
ердаги хорга.

Сизни деб, туну-кун танимда титрок
Сизни севиб колдим, жонимдан ортик.
Юракни гулдаста килиб бир кучок,
Кабул киласизми этсам гар тортик?

Айтинг, мен кимману,
нима жоним бор.
Арзимаيمان ковок
уйишингизга.
Ўзимни ўзим еб тугатгум
абгор
Менга бир зум бокмай
кўйишингизга!

Биламан сиз жуда юксаксиз юксак,
Кўзларингиз кўкдан
менга бокармиди?
Сиз хатто осмонда ягона малак,
Ердагилар энди
менга ёкармиди!

Кечирманг,
лутф этиб карасангиз шўх
Сизни энг бахтли киз
этаолмасам.
Кечирманг, севганим учунмас
йўк-йўк,
Сизни сиз кутгандай

севаолмасам!

* * *

Хар тонг вужудимни камрайди хайрат
Шукрона айтаман хар тонг Ўзига.
Борлигим дунёда кандай улуг бахт,
Тириклигим кандай буюк мўъжиза!

* * *

Севги эмас экан кўзингиздаги.
Кечиринг, адашдим. Мен килдим хато.
Алдади мен севган юзингиздаги,
Коронгу кўнглимни ёритган зиё.

Насиб этган эди кайта яшармок.
Кеча кирган эдим йигирма ёшга.
Яна бошга тушди юз ёшга кайтмок.
Бугун тушди яна каримок бошга.

Кеча сизнинг билан эдим бахтиёр.
Бугун юрагимда адоксиз хасрат.
Килса хам бугунги кайгу мени хор,
Аммо кечаги бахт учун минг рахмат!

АТРОФИНГДА МЕН САРСОН

Атрофингда мен сарсон.
Чиройлисан хаммадан.
Айтгил, сен менга қачон
Севаман деб айтасан?

Зир югурган ортингда,
Шахзодалар жуда кўп.
Кел ўшалар олдида
Мен гарибни битта ўп.

Хуснинг ортар тобора
Дод деярман хайратдан.
Айтгин қачон бир бора
Севаман деб айтасан?

Пойингда минг ёлвориб,
Ишким килдим-ку изхор.
Сен хам бир бор дил ёриб,
Севаман деб айт, дилдор.

Атрофингда мен сарсон
Чиройлисан хаммадан.

* * *

Деразам ортида хар тонг, хар сахар
Хали уйку ичра ётганда сахар
Энг ширин пайтлар
кушлар сайрар
Энг гўзал байтлар, наволар янграр!

Бу гамза, бу ишва, бу авж, тарона
Бу нола, бу чах-чах, бу шодиёна
Бу оханг, бу жаранг, бу ноз мастона
Бу сехр, бу садо, соз байрамона.

О, юртим кушларнинг сайраганлари
Шаънингга дostonдай туюлар бари!

Не-не сахар, не-не Ватан оралаб
Не-не диёр, не-не чаман оралаб
Не-не ўлкалар-у, маскан оралаб
Не-не китъа, сархад ичра саралаб

Биламан шамолдай шошиб елгандир
Узок– узокдан йўл босиб келгандир
Бироз хоригандир, бироз толгандир
Талпиниб келгандир, топиб келгандир!

О, юртим кушларнинг сайраганлари
Шаънингга дostonдай туюлар бари!

Деразам ортида хар тонг, хар сахар
Хали уйку ичра ётганда сахар...

САЛОМ!

Дуога кўл очиб сўрайман Тангрим,
Ассалом алайкум ўнгдагиларга!
Сен буюк Хоконим, буюк хамдардим,
Ассалом алайкум сўлдагиларга!
Сен буюк бахт бердинг, буюк тахт бердинг,
Ассалом, Куръони кўлдагиларга!
Буюк шараф бердинг, буюк ахд бердинг,
Ассалом, исломий йўлдагиларга!
Калбимизга бердинг иймон деган нур,

Ассалом, хуш ният ўйдагиларга.
Номинг ила нафас олиб бир умр,
Умрини тўй килган, тўйдагиларга!
Иймон йўли гоҳ жар, гоҳо машаккат
Ассалом, хаёти дўлдагиларга!
Жаннат истаб гамга килгувчи токат.
Ассалом, умидвор чўлдагиларга!
Хали тонг отмасдан, умри бўлиб шом
Минг йилларки ўтди, канча дўст-ёрим.
Ўтганларга, ахли иймонга салом.
Барига раҳм кил, Парвардигорим!
Фаришталар тўла фалаклар салом,
Риштангиз боғлайди бизни самога.
Теграмизда юрган малаклар салом,
Сиз, салом етказинг, арши аълога!
Салом, баҳри-дилни очгувчи Куёш
Салом, тоғу тошлар, чаманлар салом!
Салом, эй гуркираб юрган замондош,
Бизга Ватан бўлган масканлар салом!
Бу етти фалакни тинч тутиб турган
Буюк Оллохимнинг Кудрати салом!
Хар тирик жонга ризк улашиб юрган,
Буюк Раззогимнинг химмати салом!
Салом, эй Оллохнинг мўъжизалари
Оллохнинг Хикмати, Кисмати салом!
Хар кун салом деркан тонг сахарлари,
Кўксимни тўлдирар улгвор айём!
Мен ухлаб ётгандим хакир ва ночор.
Уйготдинг жон бериб, эй мухтарам Зот!
Менга жон бергувчи сендай дўстим бор,
Буюкман, то сени киларканман ёд!
Буюкман, мен сени калбимга жойлаб,
Яшайман хар лахза Каломинг билан!
Тангрим уйготмогинг кандай буюк бахт,
Дилимга жойлаган Саломинг билан!

ХАЁТ БОГИ

Саргайган боғларни кезаман сарсон
Кайга кетди дейман кечаги баҳор.
Бир кун танимдан гар кетар бўлса жон
Дод деёлмай хайрон колишларим бор.

Баъзан мева тугар, баъзан мевасиз
Дарахтда айб йўк, қуриб колганда.
Нега шўрликсан сен, зўрмас демангиз,

У хам такдирга кул, ожиз бир банда.

Гохо чакмок урар, гох довул босар
Гохо кургокчилик, гохо урар сел.
Шу бог каби мангу куткуда башар,
Шу бог каби панох истаб яшар эл.

Гохо истакларинг ошмай амалга
Гох гариб колсанг гох, колсанг нотавон.
Бехос шак келтириб, такдир азалга
Бир-биринг устингдан кулма эй, инсон.

Неки бахт истасанг сўра Тангридан
Дилда нажот ипин боглагин аршга.
Гар Оллох жой берса иймон тахтидан
Хазондай узилиб тушмайсан пастга.

Ўзинг бизни асра, эй кудратли зот
Сабр бер, токат бер кўз ёшимиз арт.
Ахир биз учун бу ўткинчи хаёт,
Ахир бизлар бахтли бўлмогимиз шарт!

Саргайган богларни кезаман сарсон
Кайга кетди дейман кечаги бахор...

НОТЎГРИ ХУЛОСА

Покиза эмасман. Айб килмасам гар,
Ўзим ўз жонимдан тўйган бўлардим.
Ёинки олдинрок, касддан мукаррар,
Кимлардир ўлдириб кўйган бўларди.

АЙИРИБ КЎЙСАЛАР

Окни корадан-да ажратиб бўлмас,
Ажратиб бўлмайди чинни риёдан.
Ва инсон ўлса хам хаётга тўймас,
Айириб кўйсалар динни дунёдан.

АРОСАТ

Яна беун, яна кетдим колмасдан
Истаклар куюни улиди какшаб.
Гарчанд борлигига танним конмаган
Гарчанд улгурмадим, тўймадим алкаб.

Бу ишк мен кутганмас, ўзгадир яна
Яна мен ўзгаман, ўзгадир олам.
Севги пуч нарса деб, кўзгар дил яна
Бунда хам колмогим кўзгайдир алам.

Дунёга сўнмас ишк учун келгандай
Дилдан аримади гулу бир умр.
Бир умр бўлдим беэга телба най
На шуур бор эди, на бўлди хузур.

Гўё ишк– мўмиё, инграган яра
Дилимга шоядки бўлса деб малхам,
Канчаларни севдим, аммо тобора
Ортди ташналигу, изтироб ва гам.

Нафс маддаси-ла кўпчийди баъзан,
Жомдаги сингари вужуддаги кон.
Тўкиб ташлолмасман, тўка олмасман
Ахир дил эди-ку кўк берган эхсон.

Ожизман, ночорман, кулдан хам баттар
Югурдакман кўнгил хархашасига.
Кўнгил эса мослаб кўшигин айтар,
Миниб олса кимнинг аравасига

ДАХРИЙНИНГ ИКРОРИ

Сахро оташида юзлари куйган,
Кекса кадди чайир, Наримон оксок,
Бир кун келиб колди бизларнинг уйга
Келди, йўллагани сингари Оллох.
Шомда у киблага жойнамоз ёяр,
Овози таралар баланд ва янгроқ:
«... Ол-лоху Акбар, Ол-лоху Акбар
Ашхаду алла илохо ил-лоллох..».
Хоналар шипида чиркиллаётган,
Инсу-жинс арвохлар нолиши тинди.
Бирор туйгуси йўк гунох килмаган,
Дахрий дилимни шу хушхабар енгди.
Умрим умидларин топгани армон,
Озурда жонимга йўк эди малхам.
Бир умр хавойи кездим саргардон
Эгасиз калбимга эга бўлди гам.
Елдирим еллардай ишк хаяжони,
Шухрат васвасаси келди-ю, кетди.
Какшаган беадок дунё тўзони

Хазондай тўзителиб саросар этди.
Оллох, сен эгаси оламнинг ох, ох...
Дилимга нур солгин, рух йўлла, кўллаб
Сен менинг эгамсан эй, Олампадох,
Ишонч бер, бандалик холимга кайтар.
Бу бахтдан ортиқроқ йўк бахт, йўк нажот
Англайин, нимадир шараф ва хазар,
Нима деб яшаши керак одамзот?
Гунохга ботса ҳам пок бандаларинг
Токи сенинг каби суёлсам мангу.
Конимда айлансин дарди уларнинг,
Хокисор меҳримга илинж бўлсин шу.
Юраги эгасиз, гофил, адашган,
Одамдан кўркинчли, аянчлиси йўк.
Хатто, ўлим ёди таҳдид соларкан
Худодан ўзга ҳеч юпанчиги йўк...
Сахро оташида юзлари куйган
Кекса, кадди чайир Наримон оксок,
Бир кун келиб колди бизларнинг уйга
Келди, йўллагани сингари Оллох...
1990 йил.

РИВОЯТДАН

Жохиллик ибтидоси бир уйда эрур,
Ким фано ишкибози, шул уйга келур.
Оллох йигмиш яхши ишнинг хаммасини,
Тарки куфр этган киши топгай уни.

НИДО

Бахор келгани йўк, киш кетгани йўк
Бошимда офтоб-у, пойимда корлар.
Яна кайлардандир келтирмоқда чўг,
Кеча мени ташлаб кетган бахорлар.

Фарзандларим бордир, топмоқда камол
Шеър ёздим гох илхом келган махали.
Оллох, сен уларни тарбияннга ол,
Ўзим ёш болага ўхшайман хали.

Факат дўст орттирмоқ орзуим эди,
Атрофимни зирхдай ўради душман.
Танграм, не килмоқни билмасман энди,
Энди сен яшашни ўргатадурсан.

Ўзинг шеър ёзмокка этарсан кодир
Шеър бер тонг сингари севимли, эрка.
Элга шеър бермасам, эрк деган нодир,
Сўз тўфони умрим совурап елга.

Тангрим фазлинг буюк, кудратинг буюк,
Факат шер зотидан тугилгандай шер.
Ўзбек жавҳарида жон каби суюк,
Тугилди дунёга зийнат Алишер!

Ўзбек табиатин хикмати мисол,
Рамзи мисол шу тог, кир-адирларни.
Сен бердинг бу улуг миллатга тимсол,
Амир Темурларни, Яссавийларни.

Ким бўлгайман ахир сени унутсам,
Хайбатинг, даъватинг унутсам хорман.
Кўқларга кўтардинг ерга йикилсам,
Ўзингга ўргатдинг, минг бор карздорман.

Карздорман дунёга келганим учун,
Бу ёруг оламини кўрдим, карздорман.
Сенинг борлигингни билганим учун,
Сенинг мўмин банданг бўлдим, карздорман.

Бир шеър бер таъзимим бўлсин мужассам.
Зотан мўъжизадир сув, хаво, тупрок.
Зотан не яратдинг бари мукаррам,
Яратгувчи йўқдир сендан улугрок.

Зотан, сен бермасанг шоир не килар,
Ўзин хар ён уриб чопгани билан?
Хар ким буюк, хар ким бек бўлар,
Сенинг берганингни топгани билан.

Мулкинг эрур фалак. Бу чарх, бу даврон
Еру кўк тавофда, тинмай урар бош.
Миллатимга яна бергин шараф шон.
Менинг хам кўзимдан окизмагин ёш.

Ё Оллох, нолон-у, нотовонинг хам
Бу хаёт қошида тизилгандир мард.
Хар мўъмин, хар тонгда ичгайдир касам
Бу буюк эл ичра, буюк бўлмок шарт!

* * *

Хаёт нима, тонгда турсам эрмак экан,
Уйгонмасам, ўтиб кетган эртак экан.
Бунча киска дея кўкка ёлвордим мен,
Фойдаси йўк, бакирмаслик керак экан.

Тўхтамайди, тақдир деган тўхтамайди,
Бугунги кун кечагига ўхшамайди.
Кумсоатда тугаб борар кунлар, аммо
Яшамокка мухаббат ҳеч тугамайди.

Нима кўрдим? Нима топдим? Недан шодман?
Ким учун ва нима учун яшаяпман?
Она халким мен меҳрингни кўрдим не бахт,
Шу ифтихор кўзларимни ёшлаётган!

Умр йўли, гоҳида чоҳ, гоҳида жар
Гоҳ йикилиб не киларим билмасам гар,
Йикилсам ҳам юз бор такрор, такрор, такрор,
Сенинг меҳринг каддим ростлар, олга бошлар.

Сен бўлмасанг захар ичар эди кўнглим.
Сен борсанки, ўз умримдан рози бўлдим.
Кунгабокар куёшга зор боккан каби
Баҳра олдим, дармон олдим, кучга тўлдим.

Сен Бобурсан, Амир Темур, Навоийсан
Зафар дарсин ўргатгувчи гозий– сенсан.
Кадди баланд, кадри баланд, мард, забардаст
Хак йўлида, шеър илмида дохий– сенсан.

Менчи на бир ишда донгдор, на кахрамон
На тош йўндим, на чўлларни этдим бўстон
Аммо халким, бошим узра меҳринг тафтин
Сезиб турдим хар лахзада ва хар қачон.

Кетар бўлсам килмагайман ҳеч бир даъво
Тақдирга тан бермасликдан нима маъно?!
Мухаббатинг шаробидан сармаст, мамнун
Кўл силкийман сендан рози, сенга шайдо.

Аммо хаёт хали давом этаётир,
Яшаш учун меҳринг кудрат бераётир.
Даъват килиб, тиргак бўлиб, таянч бўлиб,
«Буюк ишлар килмок керак» деяётир.

Она халким! Кўлимдан тут, мен тайёрман!

Олам узра меҳрингни соч, мададкорман!
Сенинг учун ўлмок балки жоиз эмас,
Сенинг учун яшаганлар ичра борман!

ХУДОФУРУШЛАР

Мен учун бу холни лозимдир эслаш,
Шайтоният юз йил килди хуружлар.
Аммо Ислом келгач топмокдан эмас,
Сотмокдан суюнди худофурушлар.

Иймон куёшидан нурланди олам,
Аммо кайга борса ҳақ бандалари
Йўлга чиқар қаззоб худофуруш ҳам
Кушхонага чопган сарка сингари.

Худони дўст билиб топинганларга,
Ҳеч ким килмас энди очик урушлар.
Хамроҳ никобини ёпинарларда,
Чохга бошлар баттол Худофурушлар.

Худосизлар насли кўпайган эди.
Маймуннинг ортига беркинган каслар.
Художўйман дея хўмраяр энди,
Худофуруш бўлиб олган нокаслар.

Масжидга боради, борса агарда,
Оллоҳ уйида ҳам у маккор, душман.
Бирор бир бечора тушса назарга
Хайдамок бўлади ўқишдан, ишдан.

Эй Худо! Каммиди шайтон исёни
Ақлдан оздирмок, йўлдан адашмок.
Улар-чи, сугуриб олади жонни,
Колар, тирик мурда бўлиб яшамок.

Уларнинг олдида содда эканлар,
Шайтонга дарс берар – дунёфурушлар
Миллатларни кирар, элни енгарлар,
Дунёни хор этар – худофурушлар.

Тасбех ўгирар-у, аммо аслида
Маймун огушини согиниб турар.
Бузук ирсият бор улар наслида
Исломни тугатмок касдида юрар.

Худонинг измида экан еру-кўк,
Юлдуз хамда куёш,
кеча ва кундуз.
Эртанги кунимдан магрур кўнглим тўк,
Худодан ҳеч кимса ўгирмайди юз.

Халким кайдан билсин етмиш йил ичра
Эгасиз, ташландик, рухсиз, бадбуруш...
Юракларинг куриб, тубсиз чох узра,
Бугунни кутганинг, бу худофуруш!

Тарих сахнасида юрган суворий
Хаёт гулшанига сочгувчи ривож.
Кўлда байрок билан имом Бухорий
Бошимизда мангу яркираган тож.

Ер шари айланар, Куёш зарлари
Тушган он, хар юртда айтилар азон.
Миллион-миллион зот саждалари
Бир лахза тўхтамас минг йилдан буён.

Ишончим, жамики Худофуруш кас
Худонинг кўлида ўйинчок холос.
Ичидаги иллат, адоват, мараз
Худо амри билан бир кун бўлгай фош.

Худо деб, кўлимда тугилар муштлар.
Худо деб, курашиб толмасман бугун.
Бир кун йўколади Худофурушлар,
Худо бизни кўллаб тургани учун.

ЗАМОН СЕНГА БОКМАСА

Замон сенга бокмаса, сен замонга боккайсан,
Умидлардан айрилиб, бир хас каби оккайсан.
Ўз курбингни кишанлаб, кетаркансан азобда,
Хар яхшига ёмону, хар ёмонга ёккайсан.

* * *

Бу оламда заррамиз-зарра,
Бугун келиб, кетармиз эрта.
Ожизмиз-у, аммо юз карра,
Буюқдирмиз акс этсак шеърда.

Олам хамки арзимас гоҳо,

Жон куйдириб ботмокка терга.
У хам гўзал, буюкдир аммо
Акс этганда биз ёзган шеърга.

ДЎРМОНДА

Хилпирайди терак барглари
Кўшигидан ором олар жон.
Тўлганида юрак дардлари
Яна келдим, жонажон Дўрмон.

Катта-кичик юлдузлар балкиб,
Нур сочгандек осмон токида.
Туни бўйи каламкаш халки,
Тер тўқади ижод богида.

Кимдир ёзар халк дарди учун,
Кимдир ўз кўнглини ёзади.
Кимдир колар тарихда бугун,
Кимдир ўзига гўр казади.

Кимдир бугун битса гар баёт
Балки кўшик бўлар эл аро.
Кимдир бугун шеър ёзиб, хайхот
Ўз бошига орттирар бало.

Ижод сахни осмон кадарда,
Хар ким ўз ризкини теради.
Килмишига каби Махшарда,
Ёзганига жавоб беради.

Оппок когоз узра эгиб бош.
Ёзмокдаман мен хам дил дардим.
Иймонимни айлагин йўлдош,
Адаштира йўлингдан Тангрим.

Шеърларимга эргашиб кимдир,
Хато килар балки мен сабаб.
Тангрим, Ўзинг ишонганимдир,
Истамайман ёзмокни алдаб.

Ахли калам Дўрмон богида
Битаётир шеър ёки дoston.
Кимдир куйган севги догида,
Ким даврни этмокда баён.

Мен ҳам келдим, менгача ҳам то
Келиб кетди канча инсонлар.
Ким мангулик шон топди, аммо
Кимлар сўлди аллакашонлар.

Умидим шу, тутиб оламини
Зўр асарлар ёзилаверсин!
Оллох кўллаб ахли каламини,
Файз-барака ёгилаверсин!

МЕНГА СЎЗ БЕРИНГ

Дунёга келганман сўзламок учун
Калбимнинг қаърида хали сўзларим.
Кошингизда таъзим киламан бу кун,
Бутун дунёдаги шоир дўстларим!

Хар бирингиз сўзу хикмат макони,
Хар бирингиз нурли битта оламсиёз.
Жаҳолат ва гафлат босган дунёни
Ўзгартмокка тайёр турган одамсиёз.

Элнинг дарди билан кўксингиз тўлган
Хак сўзни сўзлайсиёз эркин ва ўктам.
Бу имкон йўк эди қадимда бўлган
Хатто Капитолий майдонида ҳам.

Олам яралганди асли сўз билан
Минг йиллар сўз асл шифо бўлгандир.
Эрки йўк, сўзи йўк, тили кесилган
Махбус билан канча зиндон тўлгандир.

Сиз сўзланг майлига улар учун ҳам.
Хаёти абгору ҳам талхлар учун.
Сиз сўзланг сўз билмас куллар учун ҳам,
Кул миллатлар учун, кул халклар учун.

Гар бахтли бўлмаса яшашдан не наф,
Не учун дунёга келади инсон?!
Кай юртда, кай элда, юрсада яшаб,
Авалло инсонга бўлсин шараф шон!

Мазлум битта, золим ўнтадир доим
Бир қонхўр, гох мингнинг ейди бошини
Бир тахтга ўтирса гар битта золим,
Тўқар миллионларнинг кўзин ёшини!

Шоирлар, хуррият аскарларисиз,
Эрк деб олам узра жар солиб турган.
Миллат юрагининг гавхарларисиз,
Миллатни юракда кўтариб юрган.

Сизки жонингизни хатарга кўйиб
Ўлимга тик бокиб айтган сўз учун,
Кабохат панада турибди чўчиб,
Разолат ютмаган дунёни бугун.

Кайда бўлманг ҳақ сўз сизга бўлсин ёр,
Доим бўлсин олтин бошингиз омон!
Сизни улгайтирган Она замин бор,
Суянч тогингиздир ҳақ сўз ва иймон!

Бирингиз менга дўст, бирингиз устоз
Кон бир, жон бир калбан кариндошимсиз!
Эгик бошим, букик қаддим килиб рост.
Қаро кунда қуёш, қиблагохимсиз!

Таркалиб кетгансиз, кенг дунё бўйлаб
Хурлик машъалидан олов ёккансиз
Бутун инсоният тақдирин ўйлаб
Қўркув билан ёруғ кунга боккансиз.

Бу кун сиз маглубсиз, балки голибсиз
Зулми зўравонлик битмас ҳеч қачон
Аммо ҳақ йўлида доим қолингиз
Шоирлик шаънини оқланг ҳар замон!

Тинмас гавго учун ортик еманг гам
Қисмат хатин битган буюқ Оллоҳ бор
Тилагим, қўлласин музаффар ҳакам
Қодир Парвардигор сизга бўлсин ёр!

* * *

Бу тўртлик шеър эмас, сўз эмас, фарёд
Ёнаётган юрак хайкиригидир.
Одамнинг Худодан ахтариб нажот,
Одамнинг одамдан айрилигидир.

Юрак кўксимизда турган фаришта,
Яшайди бўйсунмай ўзимизга ҳам.
Ҳар он қарармидик кўкка ташвишда,
Ерда бўлса бизлар излаган одам.

ЗИЁРАТ

Ховос деган кўргонда
Бор мунгайган бир кабр.
Дил сиқилар армонда
Унда отам ётибдир.
Кабр устида шўра
Дод солиб унган экан
Кайгунинг шўр ниҳоли,
Отамдан ёдгормикан?
Юлай десам кўлларим,
Юлмасам дил зиркирар.
Барг эмасдир, барглари
Кўз мисоли мўлтирар.
Ул кўзларнинг караши,
Каро хамда гуссали
Юрагимнинг яраси,
Корайтирар жуссамни.
Караб турибсиз ота,
Бокмокдасиз умидвор.
Сиздан мен минг марота,
Карздорман, карздор.
Бўлмок истардим шоир
Бўлолмадим шоир хам.
Билмайман кимман хозир,
Билмам мен кандай одам?!
Орзуларим ушалмай,
Армон бўлиб колмокда.
Канот боглаб учолмай,
Соврилмокда, ёнмокда.
Эртага не юз билан
Сизга боккум отажон.
Не маъкул юмуш билан,
Сизга ёккум, отажон!
Шу биргина хавотир,
Савол мени ўртайди.
Сокин, бамайлихотир
Яшашимга кўймайди.
Умид билан караган
Нурингиздан олурман,
Кун келар сиз алкаган,
Одам бўлиб колурман.
Кабрда тинч ётинг сиз
Хеч ўртанманг кийноқдан.
Хайрли ишларингиз
Баланд келсин гуноҳдан

Арвохингиз бўлсин шод
Килурман мунглиг дуо.
Охиратингиз обод,
Айласин кодир худо.
Ота, сиз ётган кабр,
Рахмат нурига тўлсин,
Беҳишдан берсин қаср,
Жойингиз жаннат бўлсин!
Иймонингиз саломат
Мушкуллар бўлсин осон
Тангрим қилсин шафоат
Хор этмасин ҳеч қачон
Хидоят топганлардан
Асралган бандалардан
Бўлинг то махшар қадар
Омин, Оллоху Акбар,
Омин, Оллоху Акбар!

ПАНОХ

Кеча мени олишди ишдан,
Бунга афсус қилмайман асло.
Голиб чиқди гўёки душман
Назаримга илмайман,
аммо...

Ҳеч қимсага
қаролмайман тик,
Юзим шувут,
синди иродам,
Ўлдирмаскан одамни очлик,
Ор-номусдан
ўларкан одам.
Юрагимнинг
сизмоқда қони,
Беркинаман жон саклаш учун.
Мени ютар
қайғу зиндони
Афтодаман,
абгор ва тушқун.
Ёқмай қолдим қатта
бошликка,
Зулм қилган эди
рақибим,
Юрак тўлганида оғриққа,
Хато қилдим айтиб ҳақлигим.

Гох эркинлик истаган онда,
Кўркув билмай коларкан одам.
Алам ўтиб кетганда жондан
Хато килдим мен атайдан хам.
Ишдан кетган битта
мен эмас,
Кўнгил тоза бўлса,
бас экан.
Эл, кора калб касни кечирмас,
Хакдан кетган чикаркан элдан.
Юзим ёруг,
элнинг олдида.
Унга асло отмаганман тош.
Кеча магрур эдим
пойида,
Бугун музтар ургандирман бош.
Кеча эдим
ардогидаман
Менга омад ёрлиги учун.
Бугун кўзин карогидаман,
Хокисор ва хорлигим учун.
... Энди Оллох корхонасида
Садокатли бандаман, ишчан.
Энди ул Зот рахнамосида,
Енга олмас
бирорта душман.
Ризк бергувчи, асрагувчи сог
Хар онимдан олгувчи хабар.
Одил хакам, энг кудратли шох,
Кенг оламга энг олий Рахбар.
Эй, улуг зот
бўл менга нажот!
Каршингдаман,
итоатдаман!
Панохингдан,
жой бер умрбод
Амрингдаман,
Ибодатдаман!

ИТ ВА БЎРИ

Кулма, битта менми хайдалган ишдан
Менга бўлолмайсан сен лойик душман.
Хар каснинг олдида ўйнатмасман дум.
Занжир боглаб турган эмас бўйнимдан.

Келган бўлса хамки гар сенга даврон,
Шоирман хор килиб кўймайди замон.
Шоир бир кун бўлса, бўлади бўри
Аммо ит бўлмайди шоир хечкачон.

ТАНГРИ ТАРОЗИСИ

Ривоят

Бу ўтмишдан колган ривоят асли
Аммо ундай каслар учрайди хар дам.
Асло ўзгармаскан одамзот насли
Замонлар ўзгарар, ўзгармас одам.

Бу кун у ўзгача иморат солган
Ўзгарган эрмаги, айтган ашъори...
Аммо ўзгармаган Одамдан колган
Тўрт мучаси хамда феълу атвори.

Хуллас, яшаганди бир сахий инсон.
Тоглардайин мўл-кўл, унда мол дунё.
Хасадгўйлар бир кун кўтариб исён,
Арз килдилар: – «Уни ўлдир эй, Худо!»

Кўкдан нидо келди: – «Яшамок учун,
Хар кимнинг ўлчови вақт-соати бор.
У хам мангу колмас, ўлади бир кун,
Аммо менга ёкар бир одати бор.

Кўп бўлса-да бойнинг айбу-нуксони
Хар кун юз кишига беради таом.
Ажални тўсган бахт– унинг эхсони.
Сахий бўлган сари яшар бардавом».

Хасадгўйлар колди, жим ва безабон
Аммо тушунмассан кўнгил ишига.
Бойнинг хасислиги тутиб ногахон
Таом берар бўлди, эллик кишига!

Хасадгўйлар яна килдилар арз-хол:
« – Дорга осмок керак бундай осийни.
Ортикча бир тарик бермоги махол
Хисобсиз бўлса-да мол-дунёсининг!»

Оллох деди: – «Кимнинг канча мулки бор.
Бойликнинг мен учун киммати йўқдир.

Улки, дунёда энг разил ва бадкор.
Гар кимнинг кўнглида химмати йўқдир.

Токи эллик киши еяркан таом
Токи эллик киши экан миннатдор.
Эллик киши килса дуойи салом.
Яшамокка бойнинг хали хакки бор».

Хасадгўйлар кўлда маломат тоши.
Бало-казолардан этсада огох.
Химмат кўрсатмокка етмай бардоши,
Сахий ўз-ўзига казийверди чох!

« – Бойликни хавога совурмок нечун,
Эллик текинтамок керакмас, деди.
Бойлигим янада ошмоги учун,
Битта одам колса, менга бас», деди.

Хасадгўйлар яна кўкка ёлворди:
« – Бу касни сийлайсан саодат билан.
Унга чексиз молу-давлат юбординг,
Умри ўтаётир фарогат билан.

Айт, Оллох бизларда нима гунох бор.
Ё бизни назарга илмасмидинг сен
У хам бизнинг каби ўгри ва бадкор,
Кингир ишларини билмасмидинг сен!»

Оллох деди: «– Барча килмиши аён.
Ризк– мандан. Хаммани тўйдираман», – деди.
«Колган бир одамдан юз бургани он,
Минг бор ёлворса хам ўлдираман», – деди.

Бу холдан беҳабар нотовон одам.
Бир коса таомни кизганган махал.
Кашшок кўкка караб, «ох» ургани дам.
Ўзди бойнинг шакар томирин Ажал.

Бу воқеа хаётда бўлганми ё йўк.
Эшитганлар асло бўлманг норози.
Оллох– чевар, кимки килса нима иш.
Ўлчаш учун кўйиб кўйган тарози.

Бу тарози балки кўринмас сизга
Кани кўрсат дея ёкамдан олманг.
Бахт истар бўлсангиз ўз-ўзингизга,

Бировга яхшилик килмоқдан толманг.

Кўкка бокманг ерга назар килмасдан
Рози килинг, сиздан норозиларни.
Бузиб кўйманг бир кун билиб билмасдан,
Оллох кўйиб кўйган тарозиларни.

Сир-синоат кўпдир, бўлингиз огох.
Бу-Оллох синови бўлиши мумкин.
Бир коса таомни сиз кизгонган чоғ,
Жонингизни олиб кўйиши мумкин!

* * *

Яна кўклам. Олам бегубор
Яшармоқда ер ила осмон.
Менинг эса кўнглимда гам бор.
Тарк этмаган бу гам ҳеч қачон.
Еллар, отам каби силар сочимни.
Рухимда тебранар етим эркалик.
Отамнинг кабрини зиёрат этдим,
Танимни титратди, кўркув ва хадик.
Кабристон. Тушкун сукунат юрти.
Кабр– сўнгги маскан– кайгу уяси.
Мархумлар вужудин шу уйга ташлаб,
Руҳи билан кўкка учади.
Бу ер ўстиргани камиш, шўрадир.
Бу ернинг ери шўр, суви наъмақоб.
Кабр тоб ташлаган, багри ўрадир,
Ўрага бош суксам калкийди халқоб.
Барча кабрларни кўраман бир-бир.
Ожиз вужудимни коплайди алам.
Мен узок яшайман, аммо барибир.
Бу ерга келаман бир куни мен ҳам.
Кўлимга илинар бир бош чаноги.
Кўзлари ўрнида иккита ўйик.
Чанок аччикланди холимдан чоғи,
Бир кўшик бошлади, ҳаётини кўшик:
«Мен ҳам эдим сенингдек,
сен ҳам бўлурсан мендек.
Кунларни узун дема, йиллар учади елдек
Ҳаётингни ҳар они учун бергайсан жавоб,
Бу дунёга барчамиз имтиҳон учун келдик».
Чанокни кўйиб сирт буриламан.
Ҳар томон куйлаётган ўра.
Ҳар томон тоб ташлаган,

Хар тарафда коп– кора шўра.
Келди яна кўклам.
Табиат энг етук мамлакат.
Калбларни шўр босган, онгларни алам
Бизни кўллагувчи Тангридир факат.
Рухимиз осмонга учган сингари,
Кўл чўзганмиз кўкларга қараб.
Топталган эрк, топталган ерларни
Азиз деб бош кўймоқдан кўркиб, калтираб.

МОЛДОШЛАР ВА ЖОНДОШЛАР

Кенг ўтлоқда ўйинлари ярашиб,
Иргишлаб бир-бирин кучар кучуклар.
Суяк ташланса гар, ўлжа талашиб,
Бир-бирин гажишга тушар кучуклар.

Менинг ҳам кўп умрим тўдада ўтди.
Гурух ё жамоа дейилар бизда.
Дўстлик, улфатчилик бузилиб кетди.
Фойдани бўлолмай колганимизда.

Биз ҳам кучоклашиб кўришар эдик,
Кизгин айтар эдик, тилак сўзларин.
Мол-мулкни теппа-тенг бўлишар эдик,
Хамтовок дўст эди, ошно дўстларим.

Аёндир, хар одам, хар кун, хар фурсат
Бу дунёга эга бўлмоқ истайди.
Бўйсунмоги учун
мансаб, шон-шухрат
Ўзига тўда ё
гурух излайди.

Бари ўтди, хавога соврилди йиллар,
Кўп кўрдим сотгану-сотилганларни.
Зориккан, синиккан юрагим излар
Худони ўзига дўст билганларни.

Алдамайди улар, ё сотиб кетмас,
Гамни, шодликни тенг кўради бахам.
Мендан ё ўзидан кўрккандан эмас,
Кўриб тургани-чун, хабардор Хакам.

Гар ўлжа ташланса, баднафс одамга,
Етмас бу дунёнинг хазиначари.

Ахир биз хайвонмас, инсонмиз, хамда –
Худонинг ердаги халифалари.

Худо буюргани инсонга конун
Барча бўйсунганлар, кондош дўстларим.
Ошно бўлмас, улар ошу-нон учун.
Иймон учун дўст бўлар, жондош дўстларим.

Яшаш осон. Аммо хар ким хам ўлар,
Ва кайта тирилар, Еру-кўк тўлиб,
Молу-дунё учун дўст бўлган дўстлар
Уйгонар бир-бирин душмани бўлиб.

Гўё, кўкда ўйинлари ярашиб,
Ирғишлаб бир-бирин, кучган кучуклар.
Суяк ташланганда, ўлжа талашиб,
Бир-бирин гажишга тушган кучуклар.

БУРГА
(Ривоят)

Бир сири бор сабабли
Кўринг дунё ишини,
Такдир юртда бой айлабди
Бир камбагал кишини.

Бойки, шаъни салтанати
Жаъми тахтдан юксакрок.
(Гарчанд иймон тантанаси,
Жаъми бахтдан юксакрок.)

Аммо бой осий эди,
Келтирмас эди иймон.
– Бойман, буюкман, – дерди.
Дерди: – Бош эгсин жахон!

Бойнинг ушбу сўзидан,
Жахли жуда кўзиган,
Бир бурга бой бурнига
Кириб кетди дўк билан.

Сўнг ўтиб мия томон
Чакаверди аямай.
Колди бари оломон
Куткармокка ярамай.

Бошидаги азобдан
Шўрлик солар эди дод.
Аmmo жонига оро
Киролмасди бирор зот.

Сўнгра бой навкарига
– Саф бўлиб туринг, – деди.
Нукиб ўз калласига
– Тош билан уринг, – деди.

Ураверди хар аскар
Бирма-бир бой бошига.
Йўликса бош сог колмас
Бу дунёнинг тошига.

Хисса шулки Худога
Иймон келтирмай бўлмас.
Келтирмаган дунёда,
Хору зорликсиз ўлмас.

Кибр килганида бой
Жазосин берди Холик.
Аmmo бундан хам кўпрок
Эрур жазога лойик.

Иймон келтирмай Хакка
Мудом яшаб юрганлар,
Ушбу ривоятга хам
Ишонмасдан турганлар.

ЙЎКОТДИМ КЎЛ ТЕЛЕФОНИМНИ

Йўкотиб кўйдим кўл
телефонимни
Бир зумда дилимни босди хавотир
Гўё кимдир билмай турган жойимни
Мени ташвиш билан ахтараётир.

Кўркувга тушаман,
юракда хатар
Хаста эди онам.. кексайган онам
Нахот телефонда
ахтармоқдалар
Хабар бермок учун,
тезда менга хам.

Йўк-йўк мумкин эмас, бари бекор гап
Дейман: – Онам хали тетик,
соғ омон...
Ногох титрок босар, хотиним йиглаб
Гўё изламокда кайдадир сарсон

Бир гап бўлдимикан болаларимга
Кай бири йикилиб тушганмикан ё,
Кайта-кайта терар
ракамларимга
Мен эса турибман,
билмай бепарво.

Кимлардир килмокда гўё кўнгирок
Кимдир тўй килмокда,
ё кимдир ўлган
Мен-чи жим турибман.
Оламда бирок
Кайгадир ўт кетган,
нимадир бўлган.

Лим-лим тўлиб борар сабрим косаси
Ўзимни кўярга жой тополмайман.
Телефон йўк пайтлар одам боласи
Кандай яшаганин тушунолмайман.

Телефонда эди канча ракамлар
Хатлар, суратлар-у,
тўй лавхалари
Сухбатдош дўстлар-у,
хамкасб одамлар,
Бирла кечган умр сахифалари

Барини йўкотдим, телефонимни
Кимдир, каердандир
топиб олгандир
Ўчириб сим карта,
хамда номимни
Балки чўнтагига хушнуд солгандир.

Бировнинг хаёти бировлар учун
Сарик чакачалик балки кадри йўк
Хатто биров ўлса, бировлар мамнун
Баъзан туришади, хиссиз,
кўнгли тўк.
Канча хотира-ю, кўнгил иплари

Муҳаббат риштаси узилар хор- зор.
Кимнидир умиди, интилганлари
Асраб жон тиккани, узилар– дийдор.

Майли, мен айрилдим темир матохдан
Мол дунё топилар, жон бўлса омон
Аммо хаёт билан бизни боғлаган
Севганларни йўкотмайлик ҳеч қачон.

* * *

Нега хаёт деган дилбарни севдим.
Бўлдим болалиқдан хуснига шайдо.
Нукрадай эканин билмаган эдим,
Замин ўн саккиз минг сайёра аро.

Замин бир заррадир кенг коинотда.
Лекин инсон экан мангу ўлмас зот.
Яшаркан фоний ва бокий хаётда
У Тангрига кул ва банда умрбод.

Хар кимнинг хар куни, хар бир соати
Хар они аввалдан ўлчанган экан.
Тангрим, сенга бўлсин бор ибодатим.
Тангрим, банданг бўлай доим сен севган.

Иймон нури ёниб турсин багримда
Адаштира асло тўгри йўллардан.
Бахт бер, халоват бер тушқун калбимга,
Бер, яхши хаёт ва умр ўнганган.

Солих фарзандлар бер, диёнати бор
Уйимдан кетмасин файзу-фарогат.
Бергин ифбатли ёр, садокати бор,
Ва ота-онамни килгин саломат.

Тангрим сен буюксан, тенгсиз акбарсан
Пойингда кўл чўзиб, дуодадирман.
Арзим кўп, мен факат сендан сўрарман.
Сенсиз яшай олмас
дунёдадирман.

Яшаш завки бир он ташлаб кетмайди.
Хар он хаёлимни яшайди чархлаб.
Канча севсанг унга, шунча етмайди
Тангрим, менга бергин дунёни шархлаб.

Омад бер, омон эт тахликалардан.
Балолардан асра, титрок жонимни.
Ёркин истеъдод бер, алангаланган –
Элга айтадиган дил тугёнимни.

Мухаббат бер калбда ёнгувчи абад.
Дўстлик бер,
дўст бўлсин кўз карогида.
Зафар бер, бер менга голиблик факат
Кадр бер, кўлласин эл ардогида.

Бер, бемор чоғимда шифойи комил
Бер, икки дунёнинг саодатини.
Ганимлар олдида ўзинг бўл одил,
Бер, тўймас нафснинг каноатини.

Имкон бер, кондирай эҳтиёжимни
Яна бир он билмам, яшарманми йўк?!
Сен бир он берган бу ихтиёримни
Бир ондан сўнг яна топарманми, йўк?!

Яна миллион-миллион истакларим бор
Яна миллион-миллион умидвор инсон.
Яна миллион-миллион сайёралар зор,
Сендан нажот кутар эй, Буюк Хокон.

Пойингда самовот, Ер ила осмон
Халклар-у махлуклар, руху-малаклар
Сенга сажда айлар то охир замон
Мухаббатинг билан ёруг юраклар.

Ўзинг нажот бўлгин,
ўзинг бўл панох
Ишонганимиз сен Якка ягона
Зотан, сен истасанг биз бормиз, Оллох
Юз бурсанг
Ер- кўкдан колмас нишона.

СЕВГИ БОР БЎЛСА АГАР...

Доим гамнинг кўплигин, бахтнинг камлигин кўрдим
Такдир юзнинг бошин силар, юз мингги силанмаган
Бир адашган аёл ҳақда, ёмонлаб ёзмок бўлдим,
Айби унинг кўчадан ишк ахтариб, алданган.

У ўйларди кайдадир, бор халоскор иноят

Кутарди бир умрлик, мухаббат, садокатни
Ўйларди, хаёт факат айш-ишратдан иборат,
Доим маст бўлсам дерди, майидан фарогатни.

Бу дунёда борми ўзи, адашмаган бир кимса
Мангу яшамок учун ҳеч бир зот яралмаган
Фурсат – киска, ишк – киска, инсоннинг умри киска,
Жаннатдан инсон насли бекорга хайдалмаган.

Тунлар тўқидим гохи, ишк хакида эртақлар
Юрагим талпинарди, чин дебон бу рўёни
Нажоткор туюларди, бу савдойи эрмақлар.
Севги бор деб алдамоқчи бўлган эдим дунёни.

Кўзларимга бунча гамгин бокма эй, мунис аёл
Ха, шоирман, аммо сени алдаган мен эмасман.
Келмасин ишк хакида, ёзган шеърларим малол,
Ўзимни ҳеч сендан кўра покизарок демасман.

Балки сен ҳам адашмаган, мен ҳам эмасман гумрох
Тангридан шафкат истаб, ўзга айтар нолам йўк:
Бор бўлса севги агар, демак йўк бизда гуноҳ,
Севги йўк бўлса нега, йўк дегувчи одам йўк?!

МЕНИ КЕЧИР

Рафикамга
Мени кечир, сени бахтли килолмадим.
Ваъдалар бергандим
килган эдим аҳд.
Неча бор уриндим,
уддалолмадим.
Тобора узоклаб
бораётир бахт.
Иродам синдими,
синдиришдими?!
Бир пайтлар бокардим
сервикор, тикка.
Рухимдан исённи
тиндиришдими?
Кўзларим тўладир
мунг ва хадикка.
На бир шеър на бир сўз,
на орзу, максад
Энди осмонимда

канот кокарлар
Бургутдай кўкларни
кўзлардим харвакт
Менга эга чикди,
товукбокарлар.
Кечир бўлолмадинг
хуррам, бахтиёр.
Тугаб бораётир
тобора имкон.
Билсайдим чохларнинг
турганин тайёр
Ваъда бермас эдим
сенга ҳеч қачон.
Бакколни бува деб
бол олмок мумкин.
Аммо ҳеч хиёнат
килмасман шеърга.
Шайтонларга қарши
ёзмогим учун
Худойим, менга хур
каламни берган.
Дунёга эгадир
шайтонваччалар
Уларга кўшилсам
бойирдим маҳкам.
Аммо ҳалол йўлда
топилмаса гар,
Давлат-у бахт эмас,
тилло-ю зар ҳам.
Турибман сарсари
абгор ва тушкун
Кечир. Мажолим йўк.
мени кил дуо.
Сен дейсан: – «Мадад бор,
нотавон, мискин.
Хору-заифларнинг
дўстидир Худо!
Бор кудрат кўлида
бўлган буюк зот
Агарки кўлласа,
бўлса биз тараф
Йўлимизни очса,
ўнгласа хайхот
Шудир бахт, шу тенгсиз
саодат, шараф.
Толемизни ёруг

килсин Худойим
Бахт бергувчи факат
Парвардигордир.
Бизлар хор бўлмасмиз,
дунёда доим
Худони унутган
кимсалар хордир!»
Сен таскин берасан.
бахт айвонида
Сенга эрк шаробин
ичирмокчи эдим.
Навоий колдирган
шеър осмонида
Мен хам шеърларимни
учирмокчи эдим.

Бир шеърки юракдан
кўкка ўрлаган
Гўё эрк номидан
айтилган фарёд
Бир шеърки, хавф ичра
колганда Ватан
Гўё мард ўғлонлар
ичган касамёд.

Мени кечир, сени бахтли килолмадим.
Аммо ўзимни ҳеч кечиролмасман.
Юксак парвозга шай шеърлар ёзолмадим.
Канотлари синган, учиролмасман.

МУХАММАД ИСМОИЛ